

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
16-may
SHANBA
№ 40-41 (13901-02)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Тошкент вилояти – Италия: Алоқалар мустаҳкамланмоқда



Делегация аъзолари дастлаб Италиянинг йирик мева-сабзавот ассоциацияларидан бири – "Fruitimpresе" раҳбарияти ва аъзо компаниялари вакиллари билан музокара ўтказди. Делегацияни ташкилот раҳбари, таниқ-

ли италиялик тadbirkor Марко Салви самимий қарши олди. Ташкил этилганига қарийб 80 йил бўлган мазкур уюшма бугунги кунда Италиянинг мева-сабзавот маҳсулотлари импорти ва экспорти соҳасидаги энг

Бугун дунё иқтисодиётида рақобат фақат маҳсулот ёки ресурслар билан эмас, балки ҳамкорлик, технология ва инвестиция учун кураш орқали кечмоқда. Шу маънода, Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегациянинг Италияга амалий ташрифи нафақат халқаро мулоқот, балки ҳудуд иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим қадам сифатида аҳамият касб этди. Рим шаҳрида ўтказилган учрашув ва музокаралар агросаноат, қишлоқ хўжалиги, чиқиндиларни қайта ишлаш, инновацион технологиялар ва инвестиция соҳаларида янги истиқболларни очмоқда.

Бугун дунё иқтисодиётида рақобат фақат маҳсулот ёки ресурслар билан эмас, балки ҳамкорлик, технология ва инвестиция учун кураш орқали кечмоқда. Шу маънода, Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегациянинг Италияга амалий ташрифи нафақат халқаро мулоқот, балки ҳудуд иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим қадам сифатида аҳамият касб этди. Рим шаҳрида ўтказилган учрашув ва музокаралар агросаноат, қишлоқ хўжалиги, чиқиндиларни қайта ишлаш, инновацион технологиялар ва инвестиция соҳаларида янги истиқболларни очмоқда.



йирик мустақил тузилмаларидан бири саналади. Ассоциация таркибида 300 дан ортиқ етакчи импортёр, экспортёр ва агробизнес

компаниялари фаолият юритмоқда.
(Давоми 2-саҳифада) ▶

РИЁСИЗ СЎЗЛАР



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

▼ Буюк ўзбек йўли

МУҚАДДИМА

Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўради. Дунёнинг қайси бир четиди адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки ғалабаси уларнинг руҳиятини кўтаради. Улар ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонади, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам дардига айланади.

(Давоми 4-5-саҳифаларда) ▶

ҚАЙНОНАМНИНГ ҚАЙНОНАСИ – ҲАЁТИМНИНГ ГУЛЛОЛАСИ

▼ Бизнинг суҳбат

Оила – инсон тақдирининг илк саҳифаси ёзилмаган, меҳр ва сабр бир-бирига қоришиб, ҳаёт деган улғу дарнинг асослари ўргатиладиган муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳда нафақат фарзанд тарбияланади, балки келин келиб она топади, қайнона эса қиз орттаради. Айниқса, бир том остида уч авлод – бува ва буви, ота-она, ўғил-келин аҳил ва иноқ яшаса, бундай хонадоннинг файзи ҳам, баракаси ҳам, ибрати ҳам бошқача бўлади. Халқимиз бежиз: «Қайнонамнинг қайнонаси – ҳаётимнинг гуллоласи», демайди. Чунки катталарнинг дуоси, ҳаёт тажрибаси ва оқилона маслаҳати оила ришталарини янада мустаҳкамлайди.



15 май – Халқаро оила куни муносабати билан Қибрай туманидаги Нурунийлар масканида ана шундай эзгу гоёларга бағишланган маънавий тadbirkor бўлиб ўтди. Вилоят "Нуруний" жамғармаси Қибрай тумани бўлими ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тadbirkorда энг намунали оилалар иштирок этишди. Дастурхон атрофида самимий гурунлар қилинди, ёши улғуларнинг ҳаётий тажрибасига бой панд-насихатлари тингланди, санъаткорлар дилларга хуш кайфият улашди.

Тadbirkor давомида "Қўприкбоши" маҳалласида истиқомат қилаётган, бир хонадонда аҳил-иноқ яшаб келаётган уч оилага алоҳида совғалар топширилди. Бошқа иштирокчиларга ҳам эсдалик тўхталари тақдим этилди. Тadbirkorдан сўнг, ташкилотчилардан бири, "Қўприкбоши" маҳалласи раиси Дилафрўз КАМОЛОВА билан суҳбатлашдик.

3



Viloyat
bo'ylab

TOSHKENT viloyatida "Yangi O'zbekistonning ibratli oilasi" ko'rik-tanlovining hududiy bosqichi bo'lib o'tdi. Tanlov davomida ishtirokchilarning oilaviy ahilligi, ma'naviy saviyasi, milliy qadriyatlarga sadoqati hamda farzandlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash borasidagi ishlari alohida baholandi. Yakunda ohangaronlik Rahmonovlar oilasi g'olib bo'lib, tanlovning respublika bosqichiga yo'llanma olishdi.

OHANGARON tumanida "Silk Road Logistic Corporation" mas'uliyati cheklangan jamiyati tomonidan zamonaviy metall konstruksiyalar va elektrotexnika mahsulotlari ishlab chiqarishga ixtisoslashgan yirik sanoat majmuasi qurilishi boshlandi. Loyihaning umumiy qiymati 10 million AQSH dollarini tashkil etib, aukcion orqali 5,2 gektar yer maydoni ajratilgan. Korxonaga to'liq ishga tushirilgach, 205 ta yangi ish o'ri yaratiladi.

PARKENT tumani hokimi Elmurod Po'latov Xitoy Xalq Respublikasidan tashrif buyurgan investorlar bilan uchrashdi. Muloqot davomida tumanda investitsion muhitni yanada yaxshilash, yangi ishlab chiqarish korxonalarini tashkil etish, zamonaviy texnologiyalarni qo'llash hamda yangi ish o'rinlari yaratishga qaratilgan istiqbolli loyihalar muhokama qilindi. Shuningdek, xorijiy investorlar tomonidan sanoat, qishloq xo'jaligi, xizmat ko'rsatish hamda turizm sohalariga oid qator yangi loyihalar taqdim etildi.

TOSHKENT tumanining "N.Obidov fayz" hududidagi "Sohibkor ishonch agro" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga qarashli eksport-bop gilos bog'lari hosilga kirdi. E'tiborlisi, gilolar dalanining o'zidayoq sifatiga ko'ra saralanib, ham ichki bozorga, ham xorijiy davlatlarga yo'naltirilmoqda.

YANGIYO'L shahridagi "Navro'z" mahallasining Samarqand ko'chasi bo'ylab piyodalar harakati uchun mo'ljallangan yo'laklarni qurish va mavjudlarini ta'mirlash ishlari olib borilmoqda. Mazkur loyihada, ayniqsa, nogironligi bo'lgan shaxslar uchun qulay infratuzilma yaratishga alohida e'tibor qaratilib, zamonaviy talablar asosidagi yo'laklar barpo etilmoqda.

САНОАТ ВА ИННОВАЦИЯ БИРЛАШГАН МАЙДОН

▼ Кўргазма



Бугун иқтисодий тараққиётни рақамлар эмас, ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлик, инновация ва маҳаллийлаштириш даражаси белгиламоқда. Ана шундай шароитда Оҳангарон шаҳридаги саноат зонасида ўтказилган "Миллий саноат занжири" кўргазмаси мамлакат саноатидаги янги ёндашувлар, юқори технологиялар ва кооперация имкониятларини бир майдонда жамлаган муҳим платформага айланди.



2

"Қизилсой"даги ибратли кўрғон

▼ Намунали оила

Бугун Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улғулаш, маърифатли жамият барпо этиш гоёси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Аммо ҳар қандай юксалишнинг илдизи, аввало, оиладан бошланади. Чунки китобга меҳр, каттага ҳурмат, кичикка иззат, Ватанга муҳаббат каби туйғулар оила муҳитида шаклланади.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Қизилсой" маҳалласида истиқомат қилаётган Аҳмаджоновлар хонадонига ташриф буюрганингизда ана шу ҳақиқатни яна бир бор англайсиз.

Халқаро оила куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказиладиган "Ибратли оила" танловининг жорий йилги ғолиблари орасида айнан шу оиланинг эътирофи этилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, мазкур хонадонда қадрият ва замонавийлик, маърифат ва меҳр, тарбия ва масъулият уйғунлашган.



6

Тошкент вилояти – Италия: АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Музокаралар давомида Ўзбекистон ва Италия ўртасида аграр соҳадаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш, замонавий агрологистика тизимларини йўлга қўйиш, қайта ишлаш sanoatini ривожлантириш ва инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.



лик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги муҳим музокаралардан бири AGCO ITALIA SPA бизнесни ривожлантириш директори Джиллес Ливенс билан бўлиб ўтди. Унда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, қишлоқ ҳўжалиги техникасини янгилаш ва соҳада кооперацияни кенгайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Шу билан бирга, Италия қишлоқ ҳўжалиги бош қароргоҳида ҳам кенгайтирилган давра суҳбати ташкил этилди. Унда интенсив боғдорчилик, иссиқхона ҳўжалиги ва замонавий агротехнологиялар соҳасида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Умуман олганда, Рим шаҳридаги учрашув ва музокаралар Тошкент вилояти учун янги инвестициялар, илгор технологиялар ва халқаро ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бу эса келгусида худуднинг агросаноат ва sanoat салоҳиятини янада юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда экспорт ҳажминини оширишда муҳим омил бўлиши кутилмоқда.

Шунингдек, ташир доирасида Италия қорвачилик ва аграр соҳасида фаолият юритувчи йирик уюшмалар раҳбарияти билан ҳам учрашувлар ўтказилди. Мулоқотлар чоғида қорвачилик тармоғини модернизация қилиш, насликни ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар ўзаро тажриба алмашиш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш икки худуд учун манфаатли эканини таъкидладилар.

Италия сафари давомида делегация қатор йирик компания ва инвесторлар билан ҳам учрашувлар ўтказди. Хусусан, Hafner раҳбари Генри Хафнер билан чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасидаги истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Gamma Meccanica билан фойдали қазилмаларни қайта ишлаш, Nord Engineering вакили Марко Майраги билан чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш йўналишидаги ҳамкор-


лик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан бирга, Италия қишлоқ ҳўжалиги бош қароргоҳида ҳам кенгайтирилган давра суҳбати ташкил этилди. Унда интенсив боғдорчилик, иссиқхона ҳўжалиги ва замонавий агротехнологиялар соҳасида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Умуман олганда, Рим шаҳридаги учрашув ва музокаралар Тошкент вилояти учун янги инвестициялар, илгор технологиялар ва халқаро ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бу эса келгусида худуднинг агросаноат ва sanoat салоҳиятини янада юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда экспорт ҳажминини оширишда муҳим омил бўлиши кутилмоқда.

Шунингдек, ташир доирасида Италия қорвачилик ва аграр соҳасида фаолият юритувчи йирик уюшмалар раҳбарияти билан ҳам учрашувлар ўтказилди. Мулоқотлар чоғида қорвачилик тармоғини модернизация қилиш, насликни ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар ўзаро тажриба алмашиш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш икки худуд учун манфаатли эканини таъкидладилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати



Икки кун давом этган кўргазма тоғ-кон ва металлургия соҳаси учун мўлжалланган юқори технологик маҳсулотлар, илмий ишланмалар, sanoat стартаплари ҳамда истиқболли лойиҳалар намойиши билан аҳамиятли бўлди. Энг муҳим

инновацион ечимлар, шунингдек, "Олмалиқ КМК" томонидан патентланган дастурий таъминот маҳсулотлари ҳам кенг намойиш этилди. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқариш имкониятлари нафақат хомашё, балки интеллектуал маҳсулотлар

да шартномалар мониторингини юритиш имконияти иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

– Бугунги кунда олий таълим муассасамизда давлат грантлари асосида қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда, –

САНОАТ ВА ИННОВАЦИЯ БИРЛАШГАН МАЙДОН

ми, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва йирик sanoat корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар улуғини ошириш ва янги ҳамкорлик муносабатларини шакллантиришга хизмат қилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги директори Бахтиёр Ҳайдаров, Тоғ-кон sanoati ва геология вазири Бобур Исломов ҳамда "Олмалиқ КМК" АЖ бошқарув раиси Абдулла Хурсанов иштирок этиб, бу ташаббус sanoat тармоқларида маҳаллий контент улуғини кенгайтириш, кафолатли харид тизимини такомиллаштириш ва янги ишлаб чиқариш занжирларини яратишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Кўргазмада "Навоий КМК", "Олмалиқ КМК", "Навоийурган", "Ўзметкомбинат", "Ўзбекўмир" каби йирик sanoat корхоналари билан бир қаторда 90 дан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулот ва ишланмалари билан қатнашишди. Шунингдек, 500 дан зиёд корхона вакиллари стендсиз иштирок этиб, sanoat кооперацияси имкониятлари, янги технологиялар ва ҳамкорлик таклифлари билан танишди.

Шунингдек, тадбир доирасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, sanoat эҳтиёжлари учун

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)



ҳисобига ҳам кенгайиб бораётганини кўрсатди.

Яна бир эътиборли жиҳат – замонавий рақамли ечимлар жорий этилганда бўлди. Хусусан, B2B ва B2G форматдаги учрашувлар, интерактив "Touch panel" тизими, QR-код орқали электрон мурожаатлар қабул қилиш ва реал вақт режими-

дайдир тадбир иштирокчиси, Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети доценти Алиддин Шодиев. – Мазкур кўргазмада илмий-тадқиқот ишларимиздан намуналар билан қатнашдик. Хусусан, уран ишлаб чиқариладиган sanoat тармоқлари учун металл корпус ҳамда коррозияга учрайдиган қисмларни замонавий полимер материаллар билан алмаштириш орқали юқори самарадорликка эга колонналар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишланмалар, электр хатолокларини ўлчайдиган шит, карьер йўлларини чанглари бостирувчи препаратлар олиб келинган.

Дарҳақиқат, бугун sanoat тараққиёти фақат йирик завод ва фабрикалар фаолияти билан эмас, балки илм-фан, инновация ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик даражаси билан ҳам белгиланмоқда. "Миллий sanoat занжири" кўргазмаси ана шу уйғунлиқни намоён этган, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янги имкониятлар эшигини очган муҳим майдон бўлди.

Энг муҳими, бундай платформалар миллий иқтисодиётнинг таянчи бўлган sanoat кооперациясини мустаҳкамлаб, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендининг рақобатбардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Нигора ҲАҚИҚАТИ
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

Malayziya delegatsiyasi viloyatimizda

Toshkent viloyati hokimligida Malayziyadan tashrif buyurgan Dato Suib Axmad rahbarligidagi tibbiyot xodimlaridan iborat delegatsiya bilan uchrashuv o'tkazildi.

Mehmonlarni viloyat hokimi o'rinbosari Jamshid Bobojonov kutib oldi.

Uchrashuv davomida ikki tomonlama hamkorlik aloqalarini kengaytirish, viloyat tibbiyot tizimini rivojlantirish hamda

surunkali buyrak yetishmovchiligi bilan og'irgan bemorlar uchun gemodializ xizmatlarini kengaytirish masalalari muhokama qilindi.

Shuningdek, tibbiyot sohasida tajriba almashish, qo'shma loyi-

halarni amalga oshirish va istiqbolli dasturlarni yo'lga qo'yish masalalari ham ko'rib chiqildi.

Malayziyalik mehmonlar mam-lakatimizda amalga oshirilayotgan izchil islohotlar, yaratilgan qulay investitsiyaviy muhit va xalqaro hamkorlikka ochiq siyosatni yuqori baholadilar.

O'z muxbirimiz

ЁРУҒЛИККА ЭЛТАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Бугун электр энергияси оддий қулайлик эмас, балки ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган. Хонадонлардаги ёруғлик, корхоналардаги иш жараёни, мактаб ва шифоналар фаолияти, ҳатто кундалик турмуш тарзи ҳам электр таъминоти билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, аҳоли сони ортиб, sanoat ва хизмат кўрсатиш соҳалари кенгайиб бораётган ҳозирги даврда энергияга бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизда электр тармоқларини модернизация қилиш, эски инфратузилмани янгилаш ва аҳолига барқарор электр етказиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.



Тайёргарлик

Сўнги йилларда республикада энергетика тизимини ислоҳ қилиш, янги қувватларни ишга тушириш, тармоқларни рақамлаштириш ва худудлардаги эски электр ускуналарини боқичма-боқич янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки электрдаги ҳар қандай узилиш, энг аввало, одамларнинг кундалик ҳаётига таъсир кўрсатади. Айниқса, куз-қиш мавсумида тармоқларга тушадиган юклама соҳада тизимли тайёргарликни талаб этади.

Тошкент вилоятида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят электр тармоқлари тизими катта

ва мураккаб ҳўжалик ҳисобланади. Бугун худудда 7 минг 616 та трансформатор пункти ҳамда 24 минг 390 километр электр узатиш тармоқлари мавжуд. Бу рақамлар ортида юз минглаб хонадонлар, корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасаларининг барқарор фаолияти мужассам.

Тармоқларнинг катта қисми ўтган асрда қурилгани сабабли уларни боқичма-боқич янгилаш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Шу мақсадда эски симёғочлар ўрнига темир-бетон устунлар ўрнатилмоқда, юқори юктамаларга чидамли янги кабеллар тортилмоқда. Хусусан, 0,4 киловольтли ҳаво тармоқларининг 2 минг 346 километрдан ортиги хавфсиз ва замонавий СИП кабелларига алмаштирилди.

Айниқса, оғир тоифага киритилган маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар эътиборга молик.

Хусусан, Қўрай тумани мисолида айтилган бўлсақ, "Бўстон" маҳалласида икки донга эски трансформатор ўрнига юқори қувватли янги ускуналар ўрнатилди. Уч юздан зиёд ёғоч устунлар янгилашиб, қарийб 6,5 километр электр тармоғи қайта тортилди.

– "Ёнарик" маҳалласида 115 та темир-бетон устун ўрнатилиб, трансформатор пункти таъмирланди ва 5 километрга яқин ҳаво тармоғи модернизация қилинди, – дейди Қўрай тумани электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси Дониёр Эгамбердиев. – Шунингдек, "Зиёрат", "Маданият" ва "Ўзумзор" маҳаллаларида ҳам электр таъ-

миноти сифатини яхшилаш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, "Ўзумзор" маҳалласида 25 МВАли трансформатордан чиқувчи ҳаво тармоқлари янгилашиб, 20 дан ортиқ эски устун бетон таянчларга алмаштирилди ҳамда янги сим-кабеллар тортилди.

2026 йилнинг биринчи чорагида вилоятда қизил тоифага киритилган маҳаллалардаги 38 та трансформатор пункти мукамал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

– Жорий йил январь-август ойлари учун вилоят миқёсида 2 минг 632 километрдан зиёд электр тармоқлари ва 785 та трансформатор пунктини мукамал таъмирлаш режалаштирилган, – дейди "Худудий электр тармоқлари" АЖ Тошкент

худудий филиали бўлим бошлиғи Олимжон Аҳмедов. – Шунингдек, 6 минг 930 километр узунликдаги электр тармоқлари ҳамда 2 минг 237 та трансформатор пунктида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, жорий таъмирлаш ишларида ҳам юқори кўрсаткичлар қайд этилмоқда. Йилнинг биринчи чорагида режалаштирилган 655 километр электр тармоқлари ҳамда 268 та трансформатор пунктидаги ишлар тўлиқ бажарилди.

Энергетика соҳасидаги энг муҳим синовлардан бири, шубҳасиз, куз-қиш мавсуми ҳисобланади. Шу сабабли ҳозирдан тайёргарлик ишларига катта куч сафарбар қилинган.

Бугун 600 нафардан ортиқ мутахассис, юздан зиёд таъмирлаш бригадаси ва махсус техникалар куз-қиш мавсумида тармоқларда барқарорлиқни таъминлашга тайёр ҳолатга келтирилган.

Қолаверса, вилоятнинг 22 та туман ва шаҳрида тезкор чиқиш бригадалари ташкил этилган. Энг муҳими, бу ишлар ортида одамларнинг осойишта ҳаёти, хонадонлардаги илқилик ва ёруғлик мужассам.

Электр тармоқларини модернизация қилишга қаратилган ҳар бир қадам, аввало, инсон манфаатига хизмат қилади. Зеро, чироқ ўчмаган хонадонда ишонч, барқарорлик ва эртанги кунга умид ҳам мустаҳкам бўлади.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

ҚАЙНОНАМНИНГ ҚАЙНОНАСИ – ҲАЁТИМНИНГ ГУЛЛОЛАСИ

– Дилафрўз опа, бугунги тadbирнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб берсангиз. Нега айнан уч авлод бирга яшаётган оилаларга алоҳида эътибор қаратилди?

– Мазкур сана 1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси қарори билан таъсис этилган бўлиб, 1994 йилдан буён 15 май дунё миқёсида Халқаро оила кун сифатида кенг нишонланмоқда. Бу кунни нишонлашдан асосий мақсад – оила билан боғлиқ масалаларга давлат ва жамоатчилик эътиборини қаратиш, оила тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашдан иборат. Чунки оила жамиятнинг энг кичик, шу билан бирга энг муҳим асосий бўлиши. Фарзандларнинг таълим олиши, сафарбарлик

улар билан юракдан суҳбатлашиш, тўғри маслаҳат бериш, оиладаги келишмовчиликларни юмшатиш мумкин бўлади. Кўп ҳолларда бир самимий суҳбат, оқилона маслаҳат ёки катталар иштирокидаги мurosали гаплашув ажралишнинг олдини олади. Чунки бузилган оила – энг аввало фарзанд тақдирига таъсир қилади.

– Кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Бугунги кунда маҳалламизда ижтимоий реестрга киритилган 41 нафар фуқаро бор. Уларга давлатимиз томонидан турли имтиёз ва ёрдамлар кўрсатишмоқда. Фарзандларнинг таълим олиши, сафарбарлик



жамият ҳам муҳим бўлади. Ушбу тadbирга бир хонадонда уч авлод – бува ва буви, ота ва она, ўғил ва келини, шунингдек, аҳил-иноқ яшаётган оилаларни тақлиф қилдик. Чунки бундай хонадонларда ҳаёт тажрибаси, катталарнинг дуоси ва ёшларнинг ғайрати бир-бирини тўлдириб туради. Бу эса хонадоннинг фазли, баракаси ва муҳаббатини таъминлайди.

– “Кўприкбоши” маҳалласида оилалар билан ишлаш қандай йўлга қўйилган?

– Маҳалламизда қарийб 6 минг нафар аҳоли 1 минг 500 дан ортиқ оилаларда истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ибратли ва аҳиллиги билан ажралиб туради. Биз ҳар бир оиланинг ҳолидан хабар олишга, муаммоларини ўрганишга ва имконият даражасида ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. “Кўша қариш – саодат” шiori остида ўтказган тadbирларимизда 50 йилдан зиёд бирга умр кечирган 20 дан ортиқ оилаларни ёшларга намуна сифатида кўрсатдик. Уларнинг ҳаёт йўлини “Бахтли яшаш формуласи” деб атаймиз.

– Маҳаллада яшовчи хотин-қизлар билан суҳбатлашсак, биз омадли эканмиз, аёл киши маҳаллага бош бўлса, яхши-ёмон кунларда яқин дардақнинг бўлиб қолар экан, деган гапларни айтишди...

– Шундай. Чунки аёл қалби билан кўради, она меҳри билан тинглайди. Баъзан муаммога дуч келган келин ёки она дардини эркакка эмас, аёлга очикорай айтилади. Шундай пайтларда (Давоми. Бошланиши 1-сahифада)

хизмати ва бошқа эҳтиёжлари учун молиявий кўмаклар берилди. Шунингдек, икки нафар чин етим қизимизга васий тайинланди. Рамазон ойида ва бошқа хайрия тadbирларида саховатли инсонлар ёрдами билан кўплаб оилаларнинг ҳолидан хабар олинди.

– Сизнингча, оиладаги энг муҳим тарбия нима?

– Тарбиянинг илдизи меҳр ва ҳурматдир. Болалар катталарга қандай муносабатни кўрса, эртага ўша муносабатни ҳаётда давом эттиради. Агар хонадонда қайнона келинини қизидек кўрса, келин қайнонасини онасидек ҳурмат қилса, бу муҳитда фарзандлар ҳам одамлиликни ўрганади. Шунинг учун ҳар мен доимо айтаман: келин бу уйга келганда фақат турмуш ўртоқ эмас, иккинчи она ҳам толади. Қайнона эса фақат келин эмас, яна бир қиз орттиради.

– Суҳбатимиз сўнгиде юртдошларимизга қандай тилак билдирган бўлардингиз?

– Ҳар бир хонадонда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва барака бўлсин. Бува ва бувиларнинг дуоси, ота-оналарнинг меҳнати, ёшларнинг орзу-интилишлари бирлашиб, юртимизни янада обод этсин. Оилаларимиз қанча муҳаббат билан, маҳаллаларимиз шунча тинч, Ватанимиз шунча қудратли бўлади. Барча юртдошларимизни Халқаро оила кун билан самимий табриклайман. Хонадонингиздан фазил, қалбингиздан меҳр, дастурхонингиздан барака аримасин!

Дилфуза САИДЖАМОНОВА суҳбатлашди

Миллат хотираси ва маънавиятининг ТИРИК КЎЗГУСИ

Ҳар бир халқнинг тарихи, маънавияти ва миллий қадриятлари унинг маданий меросида мужассам бўлади. Ана шу бой меросни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш ва кенг жамоатчиликка намойиш этишда музейлар алоҳида ўрин тутди.

Бугунги глобаллашув ва ахборот технологиялари жадал ривожланган даврда музейлар фаолияти янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки у ерда сақланаётган ҳар бир экспонат халқ тарихи, унинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва маданий тараққиёти ҳақида муҳим маълумот беради. Шу жиҳатдан музейлар нафақат маданий муассаса, балки ёш авлодни миллий руҳда тарбиялайдиган, Ватанга муҳаббат ва тарихга ҳурмат туйғуларини шакллантирадиган маънавий-маърифий маскан вази фасини ҳам бажаради.

Юртимизда музейлар фаолиятини ривожлантириш, музей фондларини бойитиш, нодир маданий бойликларни сақлаш ва рақамли технологияларни жорий этиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Тошкент вилояти музейларида сақланаётган ноёб асоориатикалар халқимизнинг бой тарихи ва маданий меросини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида Ангрэн шаҳар тарихи музейи, Чирчиқ шаҳар тарихи музейи, Олмалик ўлкашунослик музейи, Оққўрғон тарихи ва маданияти музейи, Усмон Юсулов ҳамда Абдулла Орипов уй-музей мемориаллари фаолият юритмоқда. Уларда юз нафардан зиёд ходим меҳнат қилиб, умумий фондларда 110 мингга яқин нодир экспонатлар сақланмоқда. Сўнгги йилларда музей фондла-

лат ҳимоясига олинди. Шунингдек, халқимиз томонидан 700 га яқин тарихий ашёлар беғараз топширилди. Бу эса давлат ва жамият ўртасида маданий меросни сақлаш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги техника асрида музейлар фаолияти ҳам замон талаблари асосида янгиланмоқда. Эндиликда музейларда виртуал реаллик (VR), 3D моделлаштириш ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда тарихни нафақат кўриш, балки виртуал ҳис қилиш имкони ҳам яратилмоқда. Шу билан бирга, вилоятдаги музейларнинг барчаси ўз веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқ sahифалари орқали фаолиятини кенг тарғиб этиб келмоқда.

18 май – Халқаро музейлар кун арасида амалга оширилаётган ишларга назар ташлар эканмиз, давлатимиз томонидан маданий меросга стратегик бойлик сифатида қаралаётганини кўришимиз мумкин. Айниқса, аҳолидан нодир ашёларни сотиб олиш учун катта маблағлар ажратилиши, рақамли технологияларнинг музей экспозицияларига кириб келиши ва халқаро реставрация билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши соҳадаги узоқ йиллик турғунликни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ислохотлар нафақат тарихий бойликларни сақлаб қолиш, балки ёшларда миллий тарих ва маданиятга бўлган



рени бойитиш мақсадида “Миллий меросга менинг ҳиссам!” умумхалқ акцияси доирасида аҳоли қўлида сақланаётган тарихий ашёларни давлат муҳофазасига олиш тизими йўлга қўйилди. 2022 йилдан буён музей фондларини бойитиш учун ҳар йили давлат бюджетидан 3 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлардан эса 500 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Рақамларга эътибор қаратсак, 2024 йилда Бадий экспертлар кенгаши қарори билан аҳолидан 45 миллион сўмга 97 та нодир маданий бойлик харид қилинган бўлса, 2025 йилда 200 миллион сўмга 51 та маданий бойлик сотиб олинди, дав-

хурматни кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг бебаҳо маданий хазиналарини асраб-авайлаш ва келажак авлодга бутун ҳолда етказиш нафақат музей ходимлари, балки бутун жамиятнинг муқаддас бурчидир. Зеро, музейлар миллий тарихи, маънавияти ва келажакни ўзида мужассам этган муқаддас маскан саналади. Шу боис ҳар биримиз миллий меросимизни асраш, уни қадрлаш ва келажакка етказиш йўлида муносиб ҳисса қўшишимиз зарур.

Муқаддамхон БЕКМУРОДОВА, Тошкент вилояти Маданий мерос бошқармаси мутахассиси

18 май – Халқаро музейлар кун

Маълумки, музейлар жамиятнинг тарихий хотирасини сақловчи, миллий меросни авлоддан авлодга етказувчи муҳим маданий масканлардан бири ҳисобланади. Шундай марказлардан бири Оққўрғон туманидаги “Тарих ва ўлкашунослик музейи” бўлиб, у ўзининг бой экспозициялари, узоқ йиллик фаолияти ва илмий-маърифий йўналишдаги ишлари билан алоҳида ўринга эга.

Ўтмиш садолари ЖАМЛАНГАН МАСКАН

Расман 1977 йилда ташкил этилган ва дастлаб кичик экспозиция сифатида иш бошлаган муассаса 2022 йили қайта таъмирланиб, замонавий талабларга жавоб берадиган йирик маданий марказга айланди.

– Ҳозирги кунда музей фондида 10 минг 800 дан ортиқ ноёб экспонатлар сақланади, – дейди музей директори Алишер Қурбонов. – Ушбу экспонатлар орқали ҳудуднинг қадимий тарихи, маданий мероси ва турмуш тарзи ҳақида кенгроқ таассуротга эга бўлиш мумкин.

Музей бир неча асосий бўлимлардан иборат бўлиб, Археология бўлимида қадимги даврларга оид топилмалар, тарихий ёдгорликлар ва ноёб ашёлар намойиш этилади.



Бўва ва Қуйи Чирчиқ туманларидан ҳам мактаб ўқувчилари келишмоқда. Масканга бўлган эътибор натижасида ташриф буюрувчилар сони ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Биргина мисол, ўтган йили музейга ўртача 10 минг 500 нафардан ортиқ саёҳатчилар келган бўлса, шундан 123 нафари хорражликлардир. Жорий йилда эса уларнинг сони икки баробарга ортган.



“Менинг ҳиссам – миллий меросга” лойиҳаси доирасида Шохрухия ёдгорлигидан топилган қумуш биланга эга ва сандиқдан чиққан қилич каби экспонатлар аҳоли томонидан музейга топширилгани, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан музейлар фаолиятини ривожлантириш учун 50 миллион сўм маблағ ажратилгани соҳага бўлган эътиборнинг ёрқин ифодаси дейиш мумкин.

Этнография бўлимида эса халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари ҳамда амалий санъат намуналари акс этган.

Айниқса, Қанқа ва Шохрухия ёдгорликларига оид материаллар музейнинг энг муҳим экспозицияларидан ҳисобланади. Масалан, Қанқа ёдгорлигидан топилган кўзада таҳминан 200 килограммдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари сақлангани ҳақидаги маълумотлар тарихий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотади.

Шунингдек, музейда туман ташкил этилиши билан боғлиқ 1935 йилдан бошланган ҳужжатлар, фотоальбомлар, чақирик қоғозлари ва Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ ноёб материаллар ҳам сақланади. Хусусан, уруш даврига оид фронтдан юборилган суратлар, хат ва чақирув қоғозлари, шунингдек, уруш ўчоғида чизилган “Озодлик” номли мойбўёқ асар ва бошқа тарихий экспонатларни учратиш мумкин.

Қолаверса, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 3,6 мингдан ортиқ оққўрғонликлардан фақат 640 нафари қайтиб келгани ҳам музей экспозицияларидан ўз аксини топган.

Қувонарлик, 18 май – Халқаро музейлар кун муносабати билан бу ерга нафақат Оққўрғон тумани, балки

эътиборнинг ёрқин ифодаси дейиш мумкин. Дарвоқе, бу ерда музей фаолиятини янада такомиллаштириш ва ташриф буюрувчилар сонини ошириш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, экспозиция залларини замонавий электрон мониторлар ва интерактив қурilmалар билан жиҳозлаш, экспонатлар ҳақида аудиоидио хизматини жорий этиш, Қанқа ва Шохрухия тарихига бағишланган махсус зал ташкил этиш, мактаб ўқувчилари ишлари учун алоҳида ижодий бурчак яратиш, ҳудудни ободонлаштириб, дам олиш масканларини ташкил қилиш, сайёҳлик маршрутларини ишлаб чиқиш, музейга ташриф буюрувчи мактаб ўқувчилари ҳамда нуруониларни транспорт билан таъминлаш, бино ичиде кичик кинозал ташкил этиш, тарихий фильмлар намойишини йўлга қўйиш шуллар жумласидандир.

Мазкур тақлифлар амалга оширилса, музей нафақат маҳаллий, балки халқаро миқёсда ҳам муҳим маданий марказлардан бирига айланиши шубҳасиз.

Нигора ЎРОЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири Муаллиф олган суратлар

Статистика бурчаги

Вилоят тараққиёти рақамларда

Тошкент вилоятида доимий аҳоли сони 2026 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 3 174,6 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 53 минг 45 кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди. Доимий яшаш ҳудуди бўйича шаҳар жойларда 1 580,6 минг киши (жами аҳоли сонига нисбатан 49,8 фоиз), қишлоқ жойларда эса 1 594 минг киши (50,2 фоиз) истиқомат қилмоқда. Аёллар 1 581,4 минг кишини (49,8 фоиз), эркеклар эса 1 593,2 минг кишини (50,2 фоиз) ташкил этмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ҳолати
Вилоят статистика бошқармасининг дастлабки маълумотларига кўра, 2026 йил январь-март ойларида Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати (ўтган йилга нисбатан): ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,6 фоизга, sanoat ишлаб чиқариш ҳажми 7,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 7,3 фоизга, чакана

савдо товар айланмаси ҳажми 3,7 фоизга, бозор хизматлари ҳажми 15,1 фоизга, ташки савдо айланмаси ҳажми 46,5 фоизга, экспорт ҳажми 53,3 фоизга, импорт ҳажми 43,7 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва ба-ликчилик хўжалиги 2,4 фоизга ўсди.
Ташки савдо айланмаси
2026 йил январь-март ойларида Тошкент вилоятининг ташки савдо

айланмаси 2,1 трлн. АҚШ долларига етиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 657,8 млн. АҚШ долларига ёки 146,5 фоизга кўпайди.

Ташки савдо айланмасида экспорт ҳажми 638,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2025 йилнинг январь-март ойларида 153,3 фоизга кўпайди. Импорт ҳажми 1 433,3 млн. АҚШ долларига етди ва 2025 йилнинг январь-март ойига нисбатан 143,7 фоизга кўпайди.

Саноатнинг асосий кўрсаткичлари
2026 йилнинг январь-март ойларида вилоят корхоналари томонидан 42 961,1 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. 2025 йилнинг мос даврига

нисбатан sanoat ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми индекси 107,8 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот
Дастлабки маълумотларга кўра, 2026 йилнинг январь-март ойларида Тошкент вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми жорий нархларда 43,3 трлн. сўмни ташкил этди ва 2025 йилнинг январь-март ойлари билан таққослаганда 7,6 фоизга ўсди. Ялпи ҳудудий маҳсулот дефлятор индекси 2025 йилнинг январь-март ойлари нархларига нисбатан 114,1 фоизни ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси бўйича ялпи ички маҳсулотнинг шаклланишида Тошкент вилоятининг кўшган ҳиссаси 9,7 фоизга етди.

Қурилиш ишлари

2026 йилнинг январь-март ойларида Тошкент вилоятида жами 6614,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2025 йилга нисбатан 107,3 фоизни ташкил этди.

Вилоятда бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича:
– бино ва иншоотлар қуриш йўналиши 68 фоиз улушни ташкил этиб, 2025 йилга нисбатан 96 фоизни ташкил этди;
– фуқаролик объектларини қуриш йўналиши 24,7 фоиз улушни ташкил этиб, 2025 йилга нисбатан 34,8 фоизни ташкил этди;
– ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши 7,3 фоиз улушни ва 2025 йилга нисбатан 118,6 фоизни ташкил этди.

Умумий овқатланиш

2026 йилнинг январь-март ойларида овқатланиш корхоналарининг савдо айланмаси 3 348,7 млрд. сўмга етди. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 107,1 фоизга ошди. Бунда савдо айланмасининг 69,7 фоиз улуши кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди.

Корхона ва ташкилотлар сони
2026 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятимизда жами фаолият кўрсатётган sanoat корхоналари сони 7 минг 102 та (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз) бўлиб, жами корхона ва ташкилотларнинг 14,8 фоиз улушини ташкил этиб, шундан кичик бизнес субъектларига тегишли корхоналар сони 6 минг 951 тага тўғри келди.
Тошкент вилояти Статистика бошқармаси

Р И Ё С И З



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Улар – ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириши сари қўйилган қадам эканини теран ҳис қилдилар, кайфиятлари кўтарилди. Худода минг шукри, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар куни рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислохотлар жайдари тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илгор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани тўғрисида инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган.

Қалам аҳли бу ва кўплаб бошқа ютуқлардан бохабар. Муаммоларни баргараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб туради.

Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан қўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдим. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа давра тузилиб, суҳбат гурилди кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладик. Бараварига "Биз олдинга кетибмиз" деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрганимни, аммо ҳалқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтиб қолдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқлади. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай ашамаганимиз!

Юракларни фахр билан тўлдирилган бу эътирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди? Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку!

Унинг ортида кимнинг меҳнатию заҳмати, бетиним ҳаракати ётибди? Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ёйилган бунёдкорликка ким ғайрат-шижоат бағишлапти?

Саволларга жавоб битта: бу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг – Ўзбекистон Президентини Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли кўрилмаган фидокорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири, бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан деган қарорга келдим.

Йўқ, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга лиқилламай олган бўлсам...

1

Бу ислохотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди?

Одамлар қандай яшаётган эди? Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай.

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қишлар бўйи исмасди. Бир фарзандим кейинчалик "Шу уйда бир умр совуқ қотиб улгайдик", деб эслади.

Нафақага чиқдим. "Ишласанг, нафақангнинг ярми тўланади", дейишди. Нима дейман? Хўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош хемри. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан ойга аранг етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан боғлиқ машамаларни-ку, айтмай. Дўконга борсан. Керакли молнинг нарҳини сўрайсан. "Нақд олсангиз, саксон сўм, пластик карта билан тўласангиз, юз..."

Деновда – бозорнинг нақ ўртасида "пластик картадаги пулни наққа алмаштириш пункти" очилди. Уша безбет шаклда – юз сўм ечиб олишса, саксон сўм қўлингга беришади. Энг дахшати, бу "пункт"ни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юрди.

Додингни кимга айтишни билмайсан... Бу лўттибоғчиликлар бутун халқ кўз ўнгидан рўй берди. Ҳеч ким миқ этолмади. Қўрқув. Бу қўрқувдан яралган тақдирсизлик – эртани ўйлашдан чўчиш – мудом елкадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг ёнига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзи сотиб олиб ётибди. Одамларни қўйиб қўйган – аллақандай шанги қилинган...

Бозорга борасан. Ҳар қадамда "долларчи"лар шайқаси... Долларнинг нарҳи расмий курсдан икки баробар банд. Қўр бўлиб оласан.

Сурхондарёда ғалла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, ғалласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фарибгарлар босди.

Бу ишга қарши курашиши зарур бўлган ташкилотлар давлат ичида давлат тузилди. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Хўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли кўрилмаган қийноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қийноқларнинг Сталин замонидан келган усулларини қўлладилар. Уларни янада янги "погона"ларга кўтардилар.

– Тирноқларимни сугуриб олдилар, – деб зориллаб эслади уларнинг қўлига тушган бир бегуноҳ. – Ҳаммасини баравар сугурсалар ҳам майли эди, ҳар куни биттасини сугурадилар...

Ҳатто ҳоқимларга ҳам тазийқ ўтказилди. Бу юртда улар ҳам ишлашдан безиб қолди. Ноилож ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар.

Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қолди.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қила бошлади: "Ана сиз орзу қилган истиқлол..."

Рости, мен ҳам бебахт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда "Бировлар ҳаром-хариш йўл билан пул тўплапти". Пайти келгач, пулни кўтариб, хорижга жўнаб кетади" деган руст гапни айтган эдим, холос. Бу кўрсатув тўғрисида телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қарор қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб борагани сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай йўл билан пул тўплапти. Шундай бўлгани ҳам дуруст! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганапти! Муноси яшаш мўъжиза эмас, шунчаки ҳар куни биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканига кўникиб бораёмиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибни қувонаман.

Авлиялар, олимлар маскани бўлган Термиз эсимни билганимдан буён кўрмисиз, чанг-тўзонга қоришган, соя-салқиндан йироқ – ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришнинг ўзи ҳам бир машаққат – ҳарбийларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг паспорти синчиқлаб текширилди, агар Сурхондарё ҳисобиди бўлмасангиз, ўтиб кўрин-чи!

Мустақилликдан кейин эса, хабарингиз бор, бундай текширувлар янада авж

билмади. Чунки ўртада Ватан, халқ тақдири бор эди. Бўлажак Ватани бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоифа ноқиллардан тозалана, покиза ният ва эзгу ҳаракатлар билан яратилиши лозимлигини Шавкат Миромонович мудом ҳис этиб турарди.

Ватани ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунади. Қотиллик иллоти оққан бу каслардан эл-юрт озод қилинди. Аввал "тепа"даги, кейин пастдаги қатлам илдизи билан сугуриб ташланди. Бу гаплар айтишга осон...

Мамлакатимиз тарихида ушбу воқеалар кимгадир жуда кичик эпизод бўлиб туюлар, аммо Ватани халқнинг бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун раҳбаримизга қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг!

Эсимда: бу воқеалар ниҳоясига етказилгач, Президентимиз Сурхонга ташриф буюриб, "Сурхондарё халқи,



энди озодсан!" деб элга мурожаат этган эди.

Ҳақиқатан, Сурхондарё эркин нафас олди.

Мен фақат яхши билганим – Сурхондарё ҳақида ёзганман. Ўзбекистонда эса ўн тўртта маъмурий-худудий бирлик бор. Президентимизнинг улардаги муаммоларни ҳал этишдаги мардонавор саъй-ҳаракатини қаламга олиш учун эса бу мақола кичиклик қилишини сезиб турибман.

2

Одамлар яхшиликка тез кўникади. Бир-икки "Яхши бўлди-е!" деб қувонади-ю, кейин худди ҳамиша шундай бўлгандай ўтиб кетаверади. Назаримда, шундай бўлгани ҳам дуруст! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганапти! Муноси яшаш мўъжиза эмас, шунчаки ҳар куни биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканига кўникиб бораёмиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибни қувонаман.

Авлиялар, олимлар маскани бўлган Термиз эсимни билганимдан буён кўрмисиз, чанг-тўзонга қоришган, соя-салқиндан йироқ – ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришнинг ўзи ҳам бир машаққат – ҳарбийларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг паспорти синчиқлаб текширилди, агар Сурхондарё ҳисобиди бўлмасангиз, ўтиб кўрин-чи!

Мустақилликдан кейин эса, хабарингиз бор, бундай текширувлар янада авж

постида худди хорижга кетаётганингиз каби бор-ўйингиз тинтилди, юқларингиз эса лентига солиниб, лазерли ускуналар ёрдамида кўздан кечирилди. Бу ҳам етмагандек, жомадону сумкалар ҳам очдирилиб, текширилди... Тинтув. Хуллас, пора бермасангиз, қутулиб бўпсиз. Термизга ва Сариевнинг қираверишда яна шу ҳолга дуч келинар эди.

Бу тўсиқларнинг ҳаммаси Шавкат Миромоновичнинг бир шашти билан йўқ бўлди.

Чангу губорга қоришган Термиз ҳам бирдан ўзгара бошлади.

Ҳозир бу шаҳар қўчаларининг икки четиди манзарали дарахтлар соя ташлаб турибди. Кетгунча ям-яшил чимзор. Гуллар ажиб дид билан экилган. Яқинда меҳмонхонадан машинада чиқиб, мана шундай гўзал – бир қарич ҳам узилмаган манзарани ораб, аэропортга бордим. Хорижий курорт шаҳарчаларни эслатади. Янги қўрилган шинам, кўркам иморатлар ҳам ярашиқли.

корликни қайси қудрат ҳаракатга келтиряпти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!

3

Мен мажлисларда кам қатнашаман. Мақсад мажлис ўтказишдангина иборат бўлган йиғинлардан ўзимни тортаман.

Аммо яқин кунларда икки мажлисда қатнашиб, вақт қандай ўтганини сезмадим. Завқланиб ўтирдим. Ўзбекистонни севадиган бир ватанпарвар сифатида фахру қувончга тўлдим. Гап Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Сурхондарёнинг эртаси ҳақида кетди. Президентимиз вилоятда 2030 йилга қадар амалга ошириладиган режалар ҳақида сўзлади.

Мажлисда режалар ҳақида шунчаки гапирилмади, балки уни амалга ошириш учун пухта, қўламли ва аниқ тайёргарлик қўрилгани маълум бўлди. Масалан, мана



бу тарзда: режа лойиҳаси тайёр, маблаг бор (банк бошлиғи тасдиқлади) ёхуд жаҳондаги қайси инвестор билан келишилгани айтилади), бу режани амалга оширадиган ташкилот ҳам шай турибди. Ишни қачон бошлаш саноиси ҳам аввалдан аниқланган. Мутасаддилар яна бир бор мажлис ахли олдида ахборот берди. Ҳар бир лойиҳада қанча иш жойи очилиши ҳам очиклаб борилди. Юзлаб, минглаб...

Ҳар бир режа ҳақида сўз кетганда, шу тартиб амалга оширилди. Бирор-бир ишни бажариш орзу сифатида айтилмади. Аксинча, қатъий ишонч билан ахборот берилди.

Бу режаларнинг бир учи хорижга бориб қадалганда эса онлайн тарзда мажлисда қатнашаётган элчиларимиз чет эллик ҳамкорлар ҳозир турганини, Ўзбекистондан имо бўлгач, шу заҳотиёқ учиб боришини маълум қилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам ундай-бундай мамлакатлардан эмас – Хитойдан тортиб, Жанубий Африка Республикасигача!

Шавкат Миромонович ҳеч нарсани унутмади. Президентимиз бугун нима ишларни бажариш лозимлигини, эртага нима амалга ошириш кераклигини ички – онгости туйғу билан ҳис қилишини шундқ сезиб турдим.

Каттаю кичик муаммоларнинг ечимини топишда бир хил масъулият билан ёндашишга, баъзан бадиҳаларига ҳам гувоҳ бўлишим.

Мажлисдан аввал бойсунлик – кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштем Миромонович Муҳаммадиев билан ёш курашчилар учун очилган интернет ҳақида суҳбатлашган эдик. Мажлис сўнгида Президентимиз ана шу полвонга мурожаат қилиб қолди:

– Сенинг интернатингнинг мактаби йўғ-а?

– Йўқ, – деди полвон.
– Болалар қаерга ўқишга боради?
– Шу атрофдаги қишлоқлардаги мактабларга.

Шавкат Миромонович кўзи билан залдан керакли одамни излаб топди:

– Пуллинг бор-а?
– Ҳа, – деб ўрнидан кўзгалди "керакли одам".

– Шу полвоннинг интернетига мактаб қуриб бероласанми?

"Керакли одам" жон деб рози бўлди.
– Биринчи сентябргача тайёр бўлсин! – деди Президентимиз.

Завқланганимдан секингина бўлса-да "Воя", деб иборадим. Ахир Шавкат Миромоновичнинг елкасида қариб ўттиз тўққиз миллион нуфусли халқнинг ташвиши турибди! Мамлакатда эҳ-хе қанча мактаб бор! Энди келиб-келиб, Президентимиз Тоштем Миромоновичнинг мактаб-интернати муаммосини эслаб ўтирсан!

Ийгинда менга ҳам сўз берилди ва мен бу мажлисни сурхондарёликлар учун байрам деб атадим. Чунки тушунишимча, Ватан деган мухташам иморат ривож учун қўйилган ҳар бир гишт – байрам. Бугун эса қанчадан қанча гишлар қўйилди!

Бу мажлисда айтилган ва келгусида амалга ошириладиган ҳар бир режа юрт

“

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ
ЎРТАСИДАГИ БУ ИТТИФОҚЧИЛИКНИНГ,
БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ВА МЕҲР-У
МУҲАББАТНИНГ БОШ МЕЪМОРИ
ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ ЭКАНИНИ
ҲОЗИР БАРЧА КЎРИБ ТУРИБДИ.
ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ БУ МИНТАҚАНИ
РИВОЖЛАНИШ САРИ БОШЛАБ
БОРАДИГАН КУЧ СИФАТИДА
ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАМОҚДА.**

олди. Энди ҳар бир вилоят ўртасида сунъий тўсиқлар – постлар ўрнатилди. Бу ҳолат халқимизнинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишига халал берадиган ортиқча машаққат эди. Паспорти унутган бўлсангиз, бу постлардан ўтишининг ягона йўли – имконини топиб, "посбон"ларга пора бериш эди... Бошқа иложингиз йўқ. Назаримда, бу постлар худди шундай вазият яратиш учун қўйилган тўзоқ эди...

Сурхондарёда эса бу ҳолат йўловчини жиддий таҳликага соладиган даражада мурракаб эди. Вилоятга киришда – Дарбанд

дик? Сурхондарёнинг ҳар бир қарич ерини биланман. Наҳотки, туш кўраётган бўлсам? Бир оз юрғач, англадим: бу – Денов. Ҳа, ўзим бошдан-адоқ кезиб-билиб юрганам Денов! Эй Худо! Бу шаҳар ичидаги шаҳар – мўъжиза қачон, қандай барпо бўлди? Шунча теэми? Англадим – бу мўъжиза Президентимизнинг шижоати тўғрисида бунёд бўлган! Сўнг тасаввур қилдим: мамлакатда қанча туман бор, қанча шаҳар бор, борингли, маҳаллалар бор... Барчасида мана шундай бунёдкорлик кетаётган бўлса керак-да! Кетаяпти!

Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёд-

СЎЗЛАР

хазинаси қанчалар бойиши, одамлар хо-надониға қанчалар файзу барақа олиб кириши ҳақидаги рақамларни эслаб ўтирмайман. Чунки улар матбуотда етарлича ёритилди.

Аммо бир қутлуғ хабарни айтмасам бўлмайди.

Йигирма олтинчи апрелда Бойсунга бо-райдиган бўлдим.

Термиздан келадиган йўл манзилға ол-ти-етти километр қолганда юқоридаги маж-лисда тилға олинган – бир неча йиллардан буён қурилиши давом этаётган Дарбанд – Денов трассасига қўшилиди. Биз була-жақ трассаға тушдик. Пишиқ қилиб ишлан-ган бетон йўл. Физиллаб кетяпмиз. Фақат икки жойда гавараси кўтарилиб, қурилиши ниҳоясига етмаган кўприкларни айланиб ўтдик, холос. Ичимда “Бир-икки ойда би-тиб қолар”, деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин “Бойсун баҳори” фестивалида қатнашиш учун шу йўлдан яна ўтишға тўғри келди. Бу сафар маши-намиз тайёр бўлган кўприклар устидан физиллаб ўтиб кетди! Ҳа, тайёр бўлган кў-приклар устидан! Орадан фақат тўрт кун ўтиб... Яна руҳимни қувонч сели босди! Қойил! Ва Термиздаги мажлисда айтилган барча режалар ўз муддатида бажарили-шиға ишончим комил бўлди.

Президентимиз йилнинг сўнггида шу тах-лит режалар билан барча вилоятға ва Қо-рақалпоғистонға борилишини таъкидлаб ўтди! Яна мамлакат келажагини барпо этиш йўлида оммавий жадал ҳаракати! Бир зум бў-шашмайдиган, эл дастурхонига барақа бе-радиган режалар. Бу режаларнинг асосчиси Шавкат Миромонович ҳам бир зум тиним билмайдиган, мудом халқ манфаати учун қўйиб-ёнадиган инсон! Эзгу ниятларига фа-ришталар омин дейди! Парвардигор раҳмат эшигини очади!

Мен яқин келажақда юртимизнинг энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин оли-шиға ишонаман. Бу ишончимға қўшил-майдиганлар бўлса, Жаҳон банкнинг Ўзбекистоннинг ривожланиш суръати ҳақидаги рақамларига мурожаат этсин. Банк 2026 йилда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариши суръатини 7,7 фоиз этиб, прогноз беряпти. Хорижлик мутахассис-ларнинг фикрича, ўн-ўн икки йилдан кей-ин Ўзбекистоннинг ялпи ишлаб чиқариши триллион доллардан ошар экан! Трил-лион! Булар осмондан олинган эмас, аниқ фактлар таҳлили асосида юзага келган рақамлар! Қўз тегмасин!

Уэр, хорижлик мутахассисларни ҳам хижолат этиб қўйяпмиз! Юқоридаги рақам-ларни ёзгандан кейин ҳозиргина ўқиб қол-дим: ўсишимиз суръати уларнинг тахминин-дан жуда юқори – 8,7 фоиздан зиёд экан!

4

Дунёнинг улуг донишмандлари инсо-ниятни тутиб турган қадриятлар ҳақида охир-оқибат ягона хулосаға келган. Ин-сонлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларға ўзи ҳам аралашиб, не-не фаволарни бошдан ўтказган Алишер Навоий бир кун мана бундай сатрларни битган:

*Олам аҳли, билинғизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлуғе бир-биринғизақи,
эрур ёрлиғ иш.*

Бу байт маъносини барча англаб тур-ган бўлса ҳам майли, шарҳлаб қўйи: “Дунё одамлари, – деяпти шоир, – билиб қўйинг: душманлик яхши иш эмас. Бир-биринғиз билан дўст бўлинг, инсонға фақат дўстлик ярашади”.

Шавкат Миромонович, назаримда, ҳали Президентлик лавозимига сайланмасдан олдин ҳам “душманлиғ иш эмас” эканини чуқур тушунган. Марказий Осиёдаги қон-дош-жондош мамлакатлар ўртасида авж олган нохушликларни юраги ачишиб қузат-ган. У бошқарган Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси ҳўжалик юритиш бўлгани учун қўшнилар билан муносабатимиз ёмонли-ги туфайли ривожланиш иммиллаётганини теран ҳис қилган. Энг муҳими, бу ғалва-лардан одамлар ҳам азобланаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Албатта, шундай бўлган! Шу боис, Шавкат Миромонович мамлакат бошқа-руви жиповини ўз қўлиға олғач, бир зум тин олмай, аввало, қўшнилар билан қардошлиқ-қариндошлиқ ришталарини тиклай бошлади. Бу иш қанча оғир-енгил кечгани фақат шу эзгу ниятли одамнинг ўзига маълум. Аммо натижа қутлуғ – қўш-ни мамлакатларға йўлимиз тушса, Ўзе-бекистоннинг бир фуқароси сифатида биз ҳам иззат-хурмат кўряпмиз.

Сурхондарё вилояти учта мамлакат билан чегарадош. Шўролар даврида, ма-салан, Тожикистон билан Ўзбекистон ўр-тасида чегара бор-йўқлиги эсимизға ҳам тушмасди. Термиз ёпиқ шаҳар бўлгани учун Душанбеға ҳам учиб бориб, Сурхон-ға ўтиб кетавардик. Баъзилар каттароқ

бозор-ўчарини Душанбеға бориб қилар-ди... Аммо мустақилликдан кейин бир муддат ўтгач, ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Чегарадан ўтиш ушалмас орзуга айланди!

Ҳозир тарихға айланган бошоғриқ бу кунлардан бир шингил воқеани куни кеча ҳикоя қилиб бериши. Сариосиёда яшайдиган бир кекса аёлнинг Реғардаги синглиси вафот этганда жигарининг қаб-рини зиёрат этиш учун саккиз йил ури-ни, чегарадан ўтолмаган экан. Реғар билан Сариосиёнинг ораси, ҳа борингки, ярим соатлик йўл!

Икки мамлакат ўртасида дўстлик-би-родарлик муносабатлари ўрнатилғач, қариндошлар бу узоқ айрилиқдан сўнг йиғлаб-сиқтаб юз кўришди. Душанбедан шувиллаб машиналар Сурхондарёға ке-ладиган, уч-тўрт сариосиёлик дўстлар

– Ҳар қандай тезликда ҳайдайверинг-лар! Миллисалар тўхтатмайди! Прези-дентимиз “Ўзбеклар менинг меҳмоним – уларға ҳеч ким тегинмасин”, деб юқори минбарда айтган!

Қалай?

Бу гаплар ўзбек халқига хурматнинг энг чўққиси эди.

Икки халқ ўртасидаги бу иззат-хур-матнинг қайтиши, янада юқори даражаға кўтарилиши Шавкат Миромоновичнинг жонқурлиги, самимий – дипломатик маҳорати ва инсоний фазилатлари бил-лан боғлиқ эди.

Яқинда атоқли ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш учун Ўш шаҳриға бир гуруҳ ижодкорлар билан йўлга чиқдик. Илгари ҳам Ўш сафарига бўлганман. Чегара машамаларини ўйлаб, кўнглим хижил бўлиб бораётганим. Аммо безовталиққа ўрин йўқ экан. Ўзбекистон фуқаролиғига оид ҳужжатларимизни кўрсатиб, бе-малол ўтиб кетавардик. Қирғизлар ҳам юртимизға шундай кириб келяпти.

Бу бемалолликни ярат-ган, икки халқ ўртасида ишонч ва ҳақиқий дўст-ликни қайта барпо этган инсонларни алқадик. Ахир, бу икки қўшни халқ ўртасидан нима-лар ўтмаган эди!

Шавкат Раҳмоннинг юбилейиға бағиш-ланган ижодий кеча ниҳоятда баланд сави-



“Душанбени бир айланиб келайлик”, деб йўлга чиқадиган бўлди. Бир қадам йўл! Эрталаб бориб, кечкурун қайтиб келасиз! Тожикистонни бошқа худудлар, қўйингки, жаҳон билан боғловчи асосий йўллар юртимиз орқали ўтади! Энди бун-дай имкониятларға эга тожик халқининг хуррамлиғи нечоғлиқ бўлганини тасаввур этинг!

Шу сабабдан Шавкат Миромонович бу қўшниларимиз юртиға ташриф буюрганда, Эмомали Раҳмон саҳнадан туриб, ҳазил аралаш жуда зўр лутф этган эди: “Булар, – деди у зални тўлдириб ўтирган тожик



халқи вакилларига ишора этиб, – сизни мендан ҳам ортиқ яхши кўради!”. Мана хурмат! Мана қардошлиқ!

Президентимизнинг бу ташрифидан сўнг бир муддат ўтгач, беш-олти ёзувчи жам бўлиб, Душанбеға бордик. Мақсади-миз Бойсунда туғилган дўстимиз, Тожики-стон халқ ёзувчиси Саттор Турсун вафоти муносабати билан яқинларига ҳамдард-лик билдириш эди. Ёз кунлари. Эгнимизда ёзлик энгил-бош... Аэропортда эса бизни ўн-ўн беш чоғли киши – оппоқ қўйлақ, қора костюм-шим кийган тожик дўстларимиз кутиб олди. Эртаси кун кутилмаганда То-жикистон Ёзувчилар уюшмасида қардош адабиётларимиз алоқалари ҳақида конфе-ренция ўтказилди. Яна ҳамма ўша расмий кийимда. Кўчада эса ёз... Биродарлар, бу тарзда мажлисининг номини иззат-икром дейдилар! Ўзбекларға иззат-икром!

Бизни Сурхондарёға олиб кетгани юр-тимиздан оғайнилар келди. Мен йўлда қандай кетсак бўлади, автомобилларни ҳайдовчилар қайси тезликда ҳайдаса маъ-қул, миллисалар тўхтатса, қандай муомала қилиш керак деб сўраб қолдим. Ҳар ҳол-да машиналаримиз рақами Ўзбекистон-ники-да! Тожик дўстларининг жавоби мени ҳайрон қолдирди:

бошқа мамлакатлар билан муносабат-ларимиз ҳам айтишға арзигулик эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, Афғо-нистон билан етарли даражада алоқалар ўрнатганимиз. Ахир бу мамлакат орқали океанларға чиқиш орзумиз бор!.. Ҳозир шундоқ Амударёдаги кўприқдан ўтиб, ўз-бек тупроғиға қадам қўйилган жойда “Ўз-бекистон – Афғонистон чегара олди сав-до худуди” бунёд этилган. Қатор-қатор дўконлар, меҳмонхоналар, ошхоналар... Савдо-сотик авжида. Худуд тўлиб-тошиб кетяпти. Президентимиз бу худудға яна қўшимча ер ажратиш ҳақида топшириқ берди.

Албатта, бу ён қўшниларимиз ҳам Ўз-бекистон раҳбари шаъниға илқ сўзлар айтгани-айтган...

Дунёда ҳақиқий обрўға эга бўлиш осон иш эмас. Бу рутбаға истеъдодли, ўзини аямой меҳнат қиладиган, фаросатли, бошқаларнинг ҳам манфаатини хурмат этадиган, ўз мамлакатини ҳам жонидан яхши кўрадиган сиёсий арбобларига са-зовор бўлади.

Мана шундай обрўға эга бўлганлар-дан бири эса бизнинг Президентимиз – Шавкат Миромонович! Ҳа, ўзимизнинг Президентимиз!

5

Мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг оқими жуда катта. Уларнинг ҳаммаси “Мен – ўзбекман!” деганларни қувонти-ради. Масалан, кейинги ойлардагина рўй



фот билан тақдирландим. Ҳатто хорижий бир мамлакатнинг адабий мукофоти ҳам қозоқ дўстларимизнинг тавсияси билан менға топширилди. Агар муносабатла-римиз аввалдагидай ғаразли кечганда, шундай ҳол рўй берармиди?!

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бу иттифоқчиликнинг, бағрикенгликнинг ва меҳру муҳаббатнинг бош меъмори Шавкат Миромонович эканини ҳозир барча кўриб турибди. Хорижликлар ҳам бу минтақани ривожланиш сари бошлаб борадиган куч сифатида Ўзбекистонға қарамоқда.

Мен, асосан, азалий яқин қўшнилари-миз билан муносабатлар ҳақида ёздим. Ҳар кун йўғараётган бу чигал дунёдаги

берган қатор янгиликлар ҳали-ҳануз мени ҳайратға солиб келяпти.

Агар икки-уч йил аввал биров “Барча-мизнинг жонимизға теккан шу пахтадан саксон-тўқсон центнердан ҳосил олина-ди”, деса, камина “Кўйсанг-чи”, деб қули-ши аниқ эди. Аммо худди шундай бўлди! Яна каерда денг? Сирдарёда! Бу вило-ятда талабалигимда пахта терганман. Ўртача йигирма центнердан ҳосил олин-са, дўппи осмонға отиларди! Энди эса... Одам ишонмайди. Ҳатто деҳқонларнинг ўзи ҳам чанқлар бошдан-адоқ очилган пахтазорға қараб, ҳайрат билан гапирган-иға гувоҳ бўлганман. Хориждан уруғлик келтирилди? Келтирилди. Аммо ўзи-миз ҳам қараб турганимиз йўқ. “Порлоқ” навли ғўзамиз хорижий навлардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин кам эмас!

Бир жумла билан айтилганда, пахта-чиликда инқилоб рўй берди!

Ҳайратланарли яна бир воқеа. Олмаликда 3-мис бойитиш фабрика-си ишға туширилди. Бундай фабрикалар қурилиб, ишға туширилиш жараёни бутун жаҳонда ўн йилға чўзилар экан. Бизда эса тўрт йилда (ҳа, тўрт йилда!) амалға оширилди. Бу муддатға ҳатто ўзимизнинг энг катта мутахассислар ҳам, америка-лик ҳамкор ҳам ишонқирамаган экан. Мана шу америкалик энди бутун жаҳонни Ўзбекистоннинг бу тезкор таърибасини ўрганишға чакирди.

Яна бир ҳайрат. Фақат мен эмас, ҳали ўзбекларнинг неча-неча авлоди гурур-ланадиган мўъжиза – Ислоом цивилиза-цияси марказининг бунёд этилиши. Бу марказ ажиб дид билан қурилган кошо-на. Девоқиллар кўл билан ишланган нақшлар, бутун дунёдан йиғиб келинган – илгари ўзимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб экспонатлар, Усмон Қуръони, қадимий қўлёмалар... Уларни намойиш этиш учун энг замонавий технологияларнинг қўлланиши...

Шавкат Миромонович марказнинг қу-рилиши ҳақида қизик тушунтириш берди: “Бу марказнинг қурилишида шохмадик. Саккиз йилда охириға етказдик...”

Бу изоҳ менға жуда ёқди. Чунки нав-батдаги биги иморат эмас, балки санъат асари қурилатган эди! Санъат асари яратилишиға худди шундай сабр-тоқат билан ёндашилади! Президентимиз мана шу нозикликни англаган!

Хуллас, асрларға татигулик иншоот дунёға келган.

Мен интернетда бу мўъжизани томо-ша қилиш учун бораётган икки кишининг суҳбатини эшитдим.

– Сен, – деди уларнинг бири иморат бор бўйича кўрингач, – Тожмаҳалли ҳам қургансан. Қайси зўр?..

– Бу зўр-ов, – деди ҳамроҳи биноға назар ташлаб. Сўнг ишонч билан бир қар-рорға келди. – Бу зўр!

Тамом, вассалом! Бу зўр! Бундай бунёдкорликлар ҳақида ёза-версам, адо бўлмайди шекилли.

Бугун интернетни очдим. Мана, тилға олинган янгиликлар: Тошкентдан Хо-размға йўл олган “Жалолиддин Мангу-берди” тейорар поезди, Тошкент вилояти марказидан Бекободдан айлантирилиб, Янгиерға борадиган янги 111 километрли янги темир йўл қурилиши, Самарқандға борадиган янги тезкор йўл, Тошкентда-ги янги аэропортдаги асосий ишларнинг бошланиши...

Назаримда, ҳайратларимнинг энди чеки бўлмайди.

Сўнгсўз ўрнида

Спорт ишқибозиман. Ишқибозлигимни биладиган Хай-рулла деган журналист укам – тўқсонинчи йилларнинг охирида бўлса керак, футбол газеталаридан бириға ин-тервью олиб қолди.

– Мана, Япония футбол жамоаси чемпионати финалиға йўлланма олди, – деди у. – Биз қачон жаҳон чемпионатиға чиқамиз?

– Энди, – дедим мен атрофимдаги воқеликларни бир

зум кўз олдимға келтириб, – мамлакатимизнинг Японияға менгзаб ривожланишини кутамиз-да, укам.

Орзумизға эришдик. Футболчиларимиз финал йўллан-масини қўлга киритди. Демак... Японияға менгзаб кетяп-мизми? Шунга жуда ўхшайди. Ҳар ҳолда ривожланиши-миз суръати кунчиқар юртниқидан анча баланд.

Ишончим комил, шундай бўлади!

Чунки Ватанимизнинг бугунини ва эртасини яратишға ватанпарвар, халқпарвар, ишбилармон ва адолатли ин-сон бел боғлаган!

"Кизилсой" даги ибратли қўрғон

Кейинги йилларда мамлакатимизда оила институтини мустақамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Осие хотин-қизларнинг иккинчи форуми иштирокчиларига йўллаган мурожаатида ҳам оила институтини илмий асосда ўрганиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш муҳим вазифа сифатида қайд этилди. Бу эса оиланинг жамият тараққиётидаги ўрни тобора ортиб бораётганини аниқлатади.

Аҳмаджоновлар оиласи ҳаётида ҳам ана шу қарашлар амалий ифодасини топган. Хонадон соҳиблари учун оила – шунчаки бирга яшаш эмас, балки бир-бирини англаш, қўллаб-қувватлаш ва эзгу мақсадлар йўлида елкадош бўлиш дегани.

(Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада)

– Оила инсон учун энг муқаддас маскан, – дейди Баҳодир Аҳмаджонов. – Ҳар қандай мустақам жамият аввало соғлом ва аҳил оилаларга таянади. Турмушда сабр, ҳурмат ва ишонч бўлса, қийинчиликлар ҳам енгил кечади. Ёшлар оила куришда фақат ҳиссиётга эмас, масъулиятга ҳам таяниши керак.

Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида фаолият юритаётган Б.Аҳмаджонов фарзанд тарбиясида шахсий намуна энг кучли таъсир воситаси эканини таъкидлайди. Унингча, бола катталарнинг гапидан кўра, ҳаёти ва муносабатидан кўпроқ сабоқ олади.

Бу хонадонда китобхонликка алоҳида аҳамият берилиши ҳам диққатга сазовор. Хонадонда ихчи оилавий кутубхона ташкил қилинган бўлиб, фарзандлар мунтазам муролага жалб этилади. Ҳар ҳафта муайян вақт оилавий суҳбат ва китоб муҳокамасига

багишланади. Бундай муҳит эса болаларнинг фикрлаши, дунёқараши ва маънавий камолотида муҳим ўрин тутати.

– Фарзанд тарбиясида меҳр билан бирга эътибор ва назорат ҳам зарур, – дейди Нигора Аҳмаджонова. – Биз ҳар қандай масалани маспахат билан ҳал қилишга одатланганмиз. Катталарнинг дуоси ва насиҳати эса хонадон файзини оширади.

Дарҳақиқат, бу оилада кесакларга муносабат алоҳида ибрат мактабидир. Нурунийларнинг умр йўли, айтган ўғитлари ёшлар учун ҳаётий дарслик вазифасини ўтайди. Айниқса, ахборот оқими кучайган, вақт шиддати ортиб бораётган бугунги даврда бундай маънавий таянчнинг аҳамияти бекиёс.

"Ибратли оила" танловига ғолибликни қўлга киритишда ҳам айнан шу жиҳатлар – соғлом маънавий муҳит, фарзанд тарбияси, китобхонлик, жамоат

ишларидаги фаоллик ва миллий қадриятларга садоқат асосий мезон бўлди.

Аҳмаджоновлар оиласи яна бир муҳим аниёнага амал қилади: байрам ва қутлуг саналарни оила даврасида нишонлаш, имконият бўлганда эса фарзандлар билан юртимиз бўйлаб саёҳат қилиш. Бу болалар қалбига Ватанга мухаббат, тарих ва миллий меросга ҳурмат туйғусини мустақамлайди.

Қизилсойлик ушбу намунали оила билан суҳбатлашар экансиз, Янги Ўзбекистонда маърифатли жамият қуриш гоёси ҳаётда ўз ифодасини топаётганини ҳис қиласиз. Чунки юрт келажаги аввало ана шундай меҳрли, китобхон, аҳил ва маънавий оилалар бағрида камол толади. Мустақам оила бор жойда эса жамият таянчи, миллат келажаги ва маърифат нури барқарор бўлади.

Отабек ИСРОИЛОВ



Эл-юрт хизматида бутун умрини бағишлаган инсонлар ҳақида йиллар ўтса-да, халқ меҳр билан сўзлайди. Ана шундай фидойи ва ибратли инсонлардан бири Раҳматхон Соипов эди. Уни яқиндан билганлар қатъиятли ва талабчан раҳбар, айна пайтда бағрикенг, самимий ва меҳрибон инсон сифатида эслашади. У Пискент туманидаги қатор жамоа ҳўжалиқларига раҳбарлик қилиб, ўзининг ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги ва юксак масъулияти билан халқ ҳўрматини қозонган.

“Элда ўлмаган одам”



Раҳматхон ака учун иш вақти деган тўшунчанинг ўзи йўқ эди. У қўёш чиқшидан олдин далага етиб борар, кун қорайса ҳамки, ишдан кетай демасди. Ҳамкасбларининг айтишича, унинг асосий суҳбат мавзуси ҳамيشа ҳўжалиқни ривожлантириш, одамлар турмушини яхшилаш ҳақида бўларди.

Ўқинди Пискент туманида Раҳматхон Соипов хотирасига бағишланган маънавий тадбир бўлиб ўтди. Кечада туман фаоллари, меҳнат фахрийлари, яқинлари иштирок этиб, унинг ҳаёт йўли ва инсоний фазилатлари ҳақида самимий хотиралар билан ўртоқлашди.

Тадбир доирасида Раҳматхон Соипов билан узоқ йиллар елкама-елка меҳнат қилган фахрий журналист Эргаш Абдуллаевнинг “Элда ўлмаган одам” номли рисоласи тақдими ҳам ўтказилди. Асарда марҳумнинг ҳаёти, меҳнати ва инсон сифатидаги юксак фазилатлари таъсирчан лавҳалар орқали ёритилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган давлат арбоби, “Меҳнат шўҳрати” ва “Эл-юрт ҳўрмати” орденлари соҳиби Умнат Мирзақуллов рисола қаҳрамонини шундай хотирлайди:

“Пискентлик маспахдош, дилдош биродарларим қаторида Раҳматхон Соиповга ҳўрматим бекиёс эди. У билан ҳар сафар учрашганимда қалбим ёришиб кетарди. Жўссаси кичик бўлса-да, иродаси мустақам, ниёти улўғ эди. Таназулга юз тутган ҳўжалиқларни тиклаш, одамларнинг меҳнатини қадрлаш ва уларни рози қилиш учун туну кун тинмасдан меҳнат қиларди.”

Умнат аканинг айтишича, бир сафар Раҳматхон акага юқори лавозим тақлиф қилинганда, у мулоимлик билан рад жавобини берган:

– Мен учун энг катта муқофот шу қишлоқдаги мард ва меҳнаткаш одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаётганини кўриш, – деган экан.

Бу сўзлар унинг бутун ҳаётига берилган энг аниқ таърифдир.

Рисола муаллифи яна бир ибратли воқеани келтиради. 1988 йили юқори ташкилотлар Раҳматхон Соиповни давлат муқофотига тавсия этиш ҳақида хабар қилишади. Бирок бу иш учун маълум “ҳаражат” талаб қилинишини ҳам қистириб ўтишади. Бу ҳолатни эшитган Раҳматхон ака кулимсираб:

– Сотиб олинган обрў кимга керак? Бизга халқнинг оддий раҳмати ҳам катта муқофот, – деган экан. Шу билан масала ёпилади. Дарҳақиқат, у орден ва медаллар олманган бўлиши мумкин. Аммо эл-юртнинг меҳри, одамларнинг дуоси ва миннатдорчилиги ҳар қандай муқофотдан улўғдир. Раҳматхон Соипов ана шундай ноёб инсонлардан эди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шўири, сенатор Маҳмуд Тоир ҳамда бошқа қатнашчилар Раҳматхон ака ҳақидаги самимий хотиралари билан ўртоқлашди.

Бу маънавий анжуман пискентликлар учун унутилмас воқеага айланади. Энг муҳими, бундай тадбирлар ёш авлод учун ҳаёт сабоғи, ҳақиқий инсонлик ва фидойилик дари бўлиб хизмат қилади. Чунки Ватан ва халқ учун сидқидилдан хизмат қилган инсонлар ҳеч қачон унутилмайди. Уларнинг энг юксак муқофоти – элнинг дуоси, халқнинг раҳмати ва абадий хотирасидир.

Зикрилла МУҲАММАД,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири

▼ Биллур бисотдан

Nurafshon shahridagi “Vatanparvar bog’i”da yoshlar, moda va milliy qadriyatlarini o’zida mujassam etgan “Milliy Fashion Show”ning viloyat bosqichi o’tkazildi. Mazkur madaniy loyiha milliy merosni asrab-avaylash, uni zamonaviy talqinda keng targ’ib qilish hamda yosh dizaynerlarni qo’llab-quvvatlashga qaratilgan bilan ahamiyatli bo’ldi.

▼ Tanlov

O’zbekiston yoshlar ittifoqi viloyat Kengashi tashabbusi bilan o’tkazilgan tadbirda iqtidorli yosh dizaynerlar milliy va zamonaviy uslub uyg’unlashgan liboslar kolleksiyalari bilan qatnashishdi.

– Festivalda viloyatning 22 ta shahar va tumanidan kelgan yoshlar ishtirok etib, milliy liboslarning zamonaviy uslubdagi yangi ko’rinishlarini namoyish qilishdi, – deydi O’zbekiston yoshlar ittifoqi viloyat Kengashi raisi Muhriddin Hamzayev. – Ayniqsa, 10 nafar iqtidorli yosh dizayner tomonidan tayyorlangan atlas va adras matolaridan tikilgan, milliy kashtachilik bilan boyitilgan liboslar yig’ilganlarda katta taassurot qoldirdi.

Tadbir davomida milliy kuy-qo’shiqlar, jodiy chiqishlar va konsert dasturlari festivalga yanada ko’tarinki ruh bag’ishladi.

– Bugungi kunda milliylik masalasi yoshlar orasida eng dolzarb

mavzulardan biriga aylanoqda, – deydi Nurafshon shahar hokimining oila va xotin-qizlar masalalari bo’yicha o’rinbosari Nodira Jumanova. – Axborot asrida turli yot g’oyalar va madaniy ta’sirlar kuchayib borayotgan bir paytda,

MILLIY LIBOS – MILLATNING YURAGIDAGI NAQSH



mand va dizaynerlar ham milliy liboslarga bo’lgan qiziqish yil sayin ortib borayotganini ta’kidlashdi. Bu esa nafaqat milliy merosni asrash, balki xotin-qizlar bandligini ta’minlash va oilaviy daromadni oshirishga ham xizmat qilmoqda.

– Xalqaro ko’rgazmalar va etnik turizm yo’nalishidagi tadbirlarda chet ellik mehmonlar o’zbek milliy liboslariga katta qiziqish bildirmoqda. Ular, avvalo, liboslarimizning rang-barangligi, tabiiy matolardan tikilgani va o’ziga xos naqshlariga alohida e’tibor qaratishadi. Ushbu ko’rgazma uchun 12 ta libos yaratdim. Hozirda o’n nafar shogirdim bor, – deydi piskentlik hunarmand va tadbirkor Sohiba Abdujabborova.

Darhaqiqat, bugun yoshlar milliy liboslarini kundalik hayotda ham zamonaviy uslub bilan uyg’unlashtirib kiyishga intilmoqda. Ayniqsa, bayramlar, turli tadbirlar va oilaviy marosimlarda milliy liboslarga bo’lgan qiziqish ortib borayotgani quvonarli hol.

Tanlov yakuniga ko’ra, birinchi o’rin Dilovar Mirzayevga, ikkinchi o’rin Sohiba Abdujabborovaga, uchinchi o’rin esa Umida Alimovaga nasib etdi. G’oliblar diplom, pul mukofoti va esdalik sovg’alari bilan taqdirlandi.

Nigora O’ROLOVA,
“Toshkent haqiqati” muxbiri
Muallif olgan suratlar



yoshlarni milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalash juda muhim. Milliy libos bu faqat kiyim emas, balki xalqning tarixi, madaniyati va ma’naviyatini aks ettiruvchi bebaho merosdir. Birgina misol, o’zim maktab yoki mahallalarga uchrasuvlarga imkon qadar milliy libosda boraman. Albatta, milliylikni targ’ib etishning eng samarali usuli oilalarimizda bekalimiz tomonidan boshlab berilishi lozim.

Tadbirda ishtirok etgan hunar-



Амал курсисидида ўтирганингда ким энг кўп товонингни яласа, курсидан тўшганингда ўша биринчи бўлиб, сендан юз ўгиради, деганлари қанчалик тўғри эканига ўзим ишонч

ҳосил қилдим.

Бир қадрдоним бор эди. Кунора кўнғироқ қилиб, ҳафтага келиб турар, шифохонага тушиб қолсам, “овора бўлманг”, дейишимга қара-

май ҳаммадан аввал етиб борар, таътил пайтида Ўзбекистоннинг қайси бурчагидида дам олмай, толиб борар, “бир чўқимгина” о’ш қилмаса, кўнгли жойига тушмас эди... Буни-

си ҳам майли, икки гапнинг бирида “мен сизни отам деганман, сиз менинг отамсиз”, деб, Худони ўртага солиб қасам ичарди. Мансабим жиндай ўзгарган эди,

“Боламини” йўқотиб қўйдим. Суриштирсам бошқа ота излаб юрган экан.

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

«Туминган» ўғил



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
G’afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA
Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

G’ayrat SHERALIYEVA

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
To’xtamurod
HASANBOYEV

Mas’ul kotib vazifasini
bajaruvchi:
Nozima RASULOVA
Navbatchi:
Zikrilla MUHAMMAD
Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkentshaqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 21:00.

Nashr ko’rsatkichi – 205.

Buyurtma G-535.

8 087 nusxada chop etildi.

Hajmi – 3 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog’oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro’yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofsimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo’jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.